

**Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятининг  
тушунчаси ва асослари**

**Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси*

*Педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва малакасини ошириш маркази бошлиғи*

**Абдуназаров Севдиёр Дилшод ўғли**

*Сирдарё вилояти ИИБ*

*Ширин шаҳар ИИБ хузуридаги*

*Тергов гуруҳи терговчиси*

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақола орқали муаллифлар қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятининг таҳлили, унинг тушунчаси ва асосларини ёритиб мавзунини атрофлича таҳлил қилишган.

**Калит сўзлар:** Фоҳишахона, қўшмачилик, одам савдоси, гайриижтимоий ҳолатлар, фоҳишалик, жинсий эҳтиёжни қондириш, ахлоқан бузилиш.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье авторы проанализировали преступление сговора или содержания публичного дома, его понятие и основы, а также подробно проанализировали тему.

**Ключевые слова:** публичный дом, сожительство, торговля людьми, антисоциальные ситуации, проституция, удовлетворение сексуальных потребностей, аморальность.

**ANNOTATION:** Through this article, the authors analyzed the crime of conspiracy or keeping a brothel, its concept and basics, and analyzed the topic in detail.

**Key words:** brothel, cohabitation, human trafficking, antisocial situations, prostitution, satisfaction of sexual needs, immorality.

Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш ижтимоий ахлоқ

нормаларига тажовуз қилади. Ижтимоий ахлоқ деганда яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шан ва қадр-қиммат, ҳамда бошқа шу қабилар ҳақидажамятда умумъэтироф этилган қарашлар, анъаналар, ғоялар ҳамда хулқ-атвор қоидалари тизими тушунилади. Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишаҳона сақлаш ижтимоий ахлоқга тажовуз қилиши билан бирга, фоҳишаликнинг ривожланишига, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, одам савдоси, гиёҳдандлик ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва бошқа жиноятларнинг содир этилишига ҳам шароит яратади.

Фоҳишаҳона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш ва фоҳишалик жамият ривожланишининг чуқур ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий шаклнинг ўзгариши ёки ўзгартирилиши натижасида юзага келади. Ушбу иллатга қарши қадимдан курашиб келинган, бироқ ушбу ижтимоий хавфли қилмиш ҳанузгача мавжуд. Фоҳишаҳона сақлаш ёки қўшмачилик қилишнинг тўлиқ сабабларини тушуниш учун унинг ижтимоий паталогия тизимидаги ўрнини ўрганиш етарли ҳисобланмайди. Унинг учун шунингдек, фоҳишаҳона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш ҳамда фоҳишаликнинг тўлиқ ижтимоий манзарасини аниқаш керак. Усиз ушбу иллатга қарши курашнинг самарали ва етарли чораларини ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Фоҳишаликнинг ривожланишига олиб келувчи жиноятлардан бири бу фоҳишаҳона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддаси) ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги жамиятда умумъэтироф этилган ахлоқий нормаларга тажовуз қилиши билан бирга жинсий эркинликка қарши жиноятлар, одам савдоси (Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси) гиёҳдандлик ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва бошқа жиноятларнинг содир этилишига имкон яратади.

Фоҳишаҳона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш жамиятда фоҳишалакнинг ривожланишига ҳамда ёшларнинг ахлоқан бузилишига сабаб бўлади, шу билан бирга, у ғайриижтимоий ҳолатларнинг ривожланишига кўмаклашади

хамда аҳолининг шу жумладан вояга етмаганларнинг ахлоқан бузилишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан тадқиқ этилаётган жиноятнинг бевосита объектини ижтимоий ахлоқ нормаларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Адабиётларда “фоҳишалик” тушунчаси турлича ифодаланади. Хорижий луғатларда фоҳишалик (лотинча “prostitutio” - камситиш, бадном қилиш, номига доғ туширмақ, шанига иснод келтирмақ деган маъноларни англатади) аёлнинг ўз танасини сотиши сифатида изоҳланади. Шундан келиб чиққан ҳолда адабиётларда фоҳишаликни жинсий эҳтиёжни қондириш учун ҳар қандай хоҳлаган шахс билан ҳақ евазига аёлнинг ўз танасини сотиши каби тушуниш қайд этилган. Маълумки, ўз танасини сотиш ибораси адабий тушунча ҳисобланиб, у юридик ибора сифатида қўлланилмайди. Ундан ташқари фоҳишалик билан шуғулланаётган шахслар нафақат аёллар, балки эркеклар ҳам бўлиши мумкин ҳамда кўрсатилган шахвоний хизматига ҳақ тўлаш фақат пулда ифодаланмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Айтиш мумкинки, фоҳишалик билан шуғулланиш ҳам аёллар, ҳам эркеклар томонидан гетеросексуал ва моносексуал муносабатлар кўринишида бўлиши мумкин. Бунда эркек фоҳишаликка аёлни ёллаши ёки унинг акси ҳам бўлиши, шунингдек унда эркек эркекни ёки аёл аёлни ҳам ёллаши мумкин. Бунда жинсий эҳтиёжни қондириш усуллари ҳеч қандай юридик аҳамият касб этмайди.

Фоҳишахона фоҳишалик фаолиятини амалга ошириш, фоҳишахона очиш ва сақлаш учун нихоятда муҳим жой ҳисобланади. Фоҳишахоналарда фоҳишалик билан шуғулланаётган шахслар аксарият холларда шахвоний хизматларни ўз ихтиёрига кўра амалга оширадилар, шунингдек олинган фойдадан муайян улуш олиб, ёки бериб турадилар.

Фоҳишахона деганда, унда фоҳишабозлик билан мунтазам шуғулланиш учун мўлжалланган бино ёки бошқа мослашган, фоҳишабозлик билан

шуғулланишни истовчи шахсларга ёки пуллик шахвоний хизматларга эга бўлишни истовчи кишиларга мўлжалланган жой тушунилади<sup>1</sup>

Н.В.Уханова эса «фоҳишахона» атамаси ўрнига замонавийроқ бўлган «фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун муассаса» иборасини кўллашни таклиф этган . Лекин назарий жихатдан ушбу таклифга тўлиқ кўшилиб бўлмайди. Чунки фоҳишахона деганда, моддий манфаатдорлик эвазига шахвоний хизматлар учун махсус жиҳозланган ёки мунтазам фойдаланиладиган яшаш учун мўлжалланган ёки мўлжалланмаган ёхуд бошқа хар қандай тақдим этилган жой тушунилади. Шунингдек, фоҳишалик билан шуғулланаётган шахслар мунтазам равишда тўпланадиган жойлар ҳам фоҳишахона деб баҳоланади.<sup>2</sup>

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси электрон Манбаа: <https://lex.uz/docs/1114532>.
2. Герасимов Н. В. Уголовно-правовой анализ организации занятия проституцией: Автореферат диссертационного соискания ученой степени кандидата юридических наук.- Самара, 2011 -18 с.
3. Уханова Н.В. Уголовно правовая и криминологическая характеристика преступлений способствующих проституции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2002. - 24 с.

---

<sup>1</sup> Герасимов Н. В. Уголовно-правовой анализ организации занятия проституцией: Автореферат диссертационного соискания ученой степени кандидата юридических наук.- Самара, 2011 -18 с.

<sup>2</sup> Уханова Н.В. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступлений способствующих проституции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2002. - 24 с.